

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ

Кузатув кенгашининг
2024 йил “2” октябрдаги
9/24 - сон йиғилиш баёнига

1 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириш
ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
Ижроия органи

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

- 1-боб. Умумий қоидалар.
- 2-боб. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллигини тақдим этиш мувофиқлик мезонлари.
- 3-боб. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги тақдим этиш тартиби ва шартлари.
- 4-боб. Мажбуриятларнинг бажарилиши ва ҳисобдан чиқарилиши тартиби.
- 5-боб. Якунловчи қоидалар.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги “Кичик бизнесни узлуксиз кўллаб-кувватлаш комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-312-сон карори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 29 сентябрда 3460-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги низом ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига бир лойиҳа доирасида 300 миллион сўмгача ажратилган кредитларнинг 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган қисмини қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиш ҳамда кредит таваккалчилигини давлат ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлашга оид муносабатларни тартибга солади.

3. Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

микрокредит берувчилар – Компания билан микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиш йўналишида ҳамкорлик қилувчи тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари;

қарз олувчилар – камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари;

қайта молиялаштириш – қарз олувчига 100 миллион сўмгача ажратилган микрокредитлар бўйича депозит жойлаштириш орқали қайта молиялаштириш;

гаров депозити – қайта молиялаштирилган микрокредитлар бўйича ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб кредит таваккалчилигини Компания ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш мақсадида тақдим этилган гаров маблағи;

портфель кафиллиги – микрокредит берувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қарз олувчига 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган микрокредитлар бўйича мажбуриятларни бажариш учун жавоб бериш масъулиятини ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб Компанияга юклайдиган кафиллик шартномаси.

скоринг таҳлил – 100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиш мақсадида уларни Компаниянинг мезонларига мувофиқлигини саралаб олиш тизими;

буюртма – микрокредит берувчиларнинг ажратган микрокредитларини қайта молиялаштириш бўйича Компанияга юбориладиган ёки портфель кафиллигидан фойдаланиш юзасидан микрокредит берувчининг бўлинмаси томонидан (агар мавжуд бўлса) микрокредит берувчига юбориладиган сўров;

бош келишув – Компания ҳамда микрокредит берувчилар ўртасида микрокредитларини қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган битим;

қайта молиялаштириш шартномаси – Компания ва микрокредит берувчилар ўртасидаги ҳар бир қайта молиялаштириладиган микрокредитлар бўйича томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган шартнома;

лойиха – тадбиркорлик фаолиятидан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар ва ишлар мажмуи;

микрокредитдан мақсадсиз фойдаланиш – қарз олувчига ажратилган кредит эвазига сотиб олинган товар (хизмат)ларни шартномаларда белгиланган муддатларда етказиб берилмаслиги ва (ёки) етказиб берилган ҳолларда ҳам лойиха ишга туширилмаслиги ёхуд уларни сотиб юборилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши;

муаммоли активлар (NPL) – сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар;

ижобий кредит тарихи – кредит бюроси маълумотномаси асосида сўндирилмаган муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаган ва охирги 12 ойда муддати ўтган қарздорликлари бўйича 90 кундан ортиқ муддати ўтган қарздорликларга йўл кўймаган қарз олувчининг кредит тарихи, шу жумладан кредит тарихига эга бўлмаган қарз олувчилар ижобий кредит тарихига эга деб таснифланади;

воситачилик ҳақи – кафиллик хизматидан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақ;

Компаниянинг ваколатли органи – буюртмани кўриб чиқиб, микрокредитларни қайта молиялаштириш бўйича қарор қабул қилувчи коллегиал орган;

“Tadbirkor” ахборот тизими – электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда қайта молиялаштириш ва портфель кафиллигини тақдим этиш билан боғлиқ амалиётлар амалга ошириладиган ахборот тизими.

4. Компания томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллигини тақдим этиш ишлари тааллуклилиги бўйича активларни бошқариш ҳамда кафиллик тақдим этиш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Микрокредит берувчи ва қарз олувчиларга мувофиқлик мезонларини белгилаш, шунингдек бозор талаблари ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллигини тақдим этиш миқдорлари, параметр ҳамда қоидлари Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади ва унинг қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

2-боб. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллигини тақдим этиш мувофиқлик мезонлари

6. Қўйидаги мувофиқлик мезонларини бажарган қарз олувчиларга ажратилган микрокредитлар қайта молиялаштирилади ёки портфель кафиллиги тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикасида камида бир йил фаолият юритаётган;
ижобий кредит тарихига эга бўлган.

7. Қуидаги мувофиқлик мезонларига мос келадиган микрокредит берувчилар томонидан ажратилган микрокредитлар қайта молиялаштирилади ёки портфель кафиллиги тақдим этилади:

а) тижорат банклари бўйича:

банк фаолиятини амалга ошириш хуқукини берувчи лицензияси мавжуд бўлган; сўнгги ҳисобот йили молиявий натижаларини зарар билан якунламаган (давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банклари бундан мустасно);

устав капиталига қўйилган талаблар бўйича устав капиталини шакллантирган;

NPL кўрсаткичи 5 (беш) фоиздан ошмаган (давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банклари бундан мустасно);

“Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings” рейтинг компанияларининг “B-” va “Moody’s Investors Service” рейтинг компаниясининг “B3” рейтинг баҳоларидан паст бўлмаган;

Марказий банкнинг банкларга нисбатан ўрнатилган капитал монандлиги, ликвидлилиги ва қарз олувчилар билан боғлиқ пруденциал нормативларга риоя қилаётган (давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банклари бундан мустасно).

б) микромолия ташкилотлари бўйича:

фаолиятини амалга ошириш хуқукини берувчи лицензияга эга бўлган ва камида бир йил фаолият юритаётган;

молиявий натижаларга кўра сўнгги ҳисобот йилини зарар билан якунламаган;

устав капиталига қўйилган талаблар бўйича устав капиталини шакллантирган;

NPL кўрсаткичи 5 (беш) фоиздан ошмаган;

пруденциал меъёларга риоя қилаётган.

в) Мазкур Битим амалда бўлган даврда микрокредит берувчилар мувофиқлик мезонларига мос келмай қолган тақдирда, микрокредит берувчилар мувофиқлик мезонларига мос келгунга қадар Компания томонидан қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги тақдим этиш вақтингачалик тўхтатилади.

8. Компания:

а) гаровсиз ажратилган 100 миллион сўм доирасида микрокредитлар бўйича кредит таваккалчилигини давлат ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш ёки улар бўйича Компаниянинг портфель кафиллигини тақдим этиш;

б) бир микрокредит берувчи бўйича қайта молиялаштирилган ва портфель кафиллиги тақдим этилган портфелга нисбатан:

муаммоли активлар улуши 3 (уч) фоиздан ошган тақдирда, ушбу микрокредит берувчи билан қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги тақдим этиш шартларини қайта кўриб чиқади;

муаммоли активлар улуши 4 (тўрт) фоиздан ошган тақдирда қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги тақдим этиш тўхтатади.

9. Микрокредит берувчилар қайта молиялаштирилган ёки портфель кафиллиги тақдим этилган микрокредитлар бўйича 1 (бир) йилда камида 2 (икки) маротаба мониторинг ўрганишларини ўтказиб боришлари лозим.

10. Мониторинг жараёнида микрокредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу микрокредитлар микдоридан кам бўлмаган ва белгиланган мезонларга мос келадиган бошқа микрокредитга алмаштирилади. Алмаштириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда қайта молиялаштирилган маблағ Компанияга 5 (беш) кун муддатда ҳисобланган фоизлар билан биргаликда қайтариб берилади.

3-боб. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллиги тақдим этиш тартиби ва шартлари

11. Мазкур Низомнинг 7–бандида белгиланган мувофиқлик мезонларига мос келувчи микрокредит берувчилар томонидан 6–бандда кўрсатилган мезонларга жавоб берувчи қарз олувчиларга ажратилган микрокредитлар қайта молиялаштирилади ёки улар бўйича портфель кафиллиги тақдим этилади.

12. Қайта молиялаштириладиган ёки портфел кафиллиги тақдим этиладиган микрокредитлар бўйича Компания жавобгарлиги микрокредитнинг асосий қарз қисмига нисбатан татбиқ этилади.

13. Қайта молиялаштириладиган ёки портфель кафиллиги тақдим этиладиган микрокредитлар қарз олувчига 7 (етти) йилдан ошмаган муддатга, 3 (уч) йилдан ошмаган имтиёзли давр билан йиллик 24 фоиздан ошмаган ставкада ажратилиши, бироқ қайта молиялаштирилган кредитнинг якуний сўндириш муддати 2031 йил 1 октябрга қадар белгиланиши лозим.

Бунда, микрокредит берувчи микрокредит ажратилишида ҳар бир лойиҳанинг хусусиятини эътиборга олган ҳолда лойиҳанинг ўзини – ўзи қоплаш давридан келиб чиқиб лойиҳанинг муддати ва имтиёзли даври белгилаши керак.

Қайта молиялаштирилган ёки портфель кафиллиги тақдим этилган микрокредитлар имтиёзли даври ажратилган даврдан бошлаб 3 йилгача бўлган муддатгача, имтиёзли даври тугагандан сўнг асосий қарзни қайтариш бўйича тўлов муддатини ўзгартириш 7 йилгача бўлган муддатгача Компания билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бунда микрокредитни қайтаришнинг охирги муддати 2031 йил 1 октябрдан ошиб кетмаслиги лозим.

14. Микрокредит берувчи томонидан қарз олувчига бир лойиҳа доирасида ажратилган 300 миллион сўмгача микрокредитнинг 100 миллион сўмгача қайта молиялаштириладиган ёки улар бўйича портфель кафиллиги тақдим этиладиган қисми алоҳида ссуда ҳисобрақамида юритилиши лозим.

15. Бир қарз олувчига ажратилган микрокредитлар бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилмагунга қадар такоран қайта молиялаштирилмайди ва портфель кафиллиги тақдим этилмайди.

16. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ва портфель кафиллигини тақдим этиш юзасидан микрокредит берувчилар билан умумий шартларни акс эттирувчи Бош келишув тузилади.

17. Микрокредит берувчилар ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши билан шуғулланувчи масъул ходимларни буйруқ асосида тайинлайди ва мазкур ходимларни ахборот тизимига киритиш учун Компанияга маълумот беради.

18. Микрокредит берувчилар ажратилган микрокредитлар бўйича қайта молиялаштириш ёки портфель кафиллигининг қайси биридан фойдаланиш юзасидан мустақил қарор қабул қиласи ва бу ҳақида ҳудудий таркибий бўлинмасини (агар мавжуд бўлса) хабардор қиласи.

19. Компания маблағлари устувор равишда 3–5-тоифадаги туман (шаҳар)дан рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган қарз олувчиларга ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки уларга портфель кафиллиги тақдим этиши учун йўналтирилади.

20. Мазкур Низомнинг 1-иловасидаги йўналишлар бўйича ажратилган микрокредитлар кайта молиялаштирилмайди ҳамда портфель кафиллиги тақдим этилмайди.

21. Қарз олувчига 100 миллион сўмдан ортиқ микрокредит ажратилган лойиҳалар бўйича микрокредит шартномаларининг тўлов жадвалида белгиланган микдорда тўловларни амалга ошириш учун қарз олувчилар томонидан тўланган маблағ барча қарздорликларни сўндиришга етарли бўлмаган тақдирда, маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда сўндириш учун йўналтирилади.

1-§. Микрокредитларни қайта молиялаштириш тартиби ва шартлари

22. Мазкур Низомнинг 2-иловасидаги схемага мувофиқ микрокредит берувчилар томонидан ажратилган микрокредитлар қайта молиялаштирилади.

23. Микрокредитлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджет ссудаси маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштирилади.

24. Микрокредитларни қайта молиялаштириш ставкалари, улар бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини Компания ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш мазкур Низомнинг 3-иловасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Микрокредит берувчилар томонидан ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштириш учун 4-иловада келтирилган шаклда жамланма рўйхат (портфель) шакллантирилиниади ва ваколатли шахс томонидан тасдиқланган ҳолда Компанияга буюртма тақдим этилади.

26. Тақдим этилган буюртмалар Компания томонидан 10 иш куни давомида:

мувофиқлик мезонларига мослиги бўйича скорингдан ўтказилади;

белгиланган тартибларга риоя қилинмаган ёки мувофиқлик мезонларига мос келмаганда буюртма микрокредит берувчига тегишли тузатишларни киритиш учун қайтарилади;

белгиланган тартибларга ва мувофиқлик мезонларига мос келган буюртмаларни қайта молиялаштириш юзасидан қарор қабул қилиш учун Компаниянинг тегишли коллегиал органи мухокамасига киритилади;

коллегиал орган томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ҳар бир буюртмалар бўйича Компания ва Банк ўртасида қайта молиялаштириш, депозит гарови шартномалари расмийлаштирилади ҳамда ресурс маблағи Банкка ўтказиб берилади.

2-§. Портфель кафиллигини тақдим этиш тартиби ва шартлари

27. Мазкур Низомнинг 5-иловасидаги схемага мувофиқ микрокредитларга портфель кафиллиги тақдим этилади.

28. Портфель кафиллиги микрокредит берувчилар ҳамда Компания ўртасида тузилган топшириқ шартномасида белгиланган шарт ва миқдорларда Компания хисобидан микрокредит берувчилар томонидан қарз олувчиларга тақдим этилади.

29. Микрокредит берувчилар портфель кафиллигини тақдим этиш қарорини қабул қилувчи масъулни белгилайди. Масъул ходим топшириқ шартномаси ва мазкур низомда белгиланган тартибдан келиб чиқиб кафиллик ажратилиши юзасидан қарор қабул қиласди.

30. Микрокредитларга тақдим этиладиган портфель кафиллигининг Компания ва микрокредит берувчилар ўртасида таваккалчиликларни тақсимлаш ушбу Низомнинг 6-иловасига асосан амалга оширилади.

31. Портфель кафиллигидан фойдаланиш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда кафиллик шартномаси қарз олувчи, Микрокредит берувчи ва Компаниянинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади.

32. Портфель кафиллиги тақдим этилишида белгиланган тартибларга риоя қилинмаганда Компания томонидан кафиллик шартномаси имзоланмайди ҳамда унга тузатиш киритиш учун микрокредит берувчиларга қайтарилади.

33. Портфель кафиллигидан фойдаланиш учун КАТМнинг скоринг балл маълумотномасидан келиб чиқиб 6-иловада белгиланган миқдорларда воситачилик ҳақи олинади.

4-боб. Мажбуриятларнинг бажарилиши ва хисобдан чиқарилиши тартиби

34. Қарз олувчилар томонидан микрокредит қарздорлигини сўндириш юзасидан тўловлар амалга оширилганда, маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда сўндириш учун йўналтирилади.

35. Қарз олувчи микрокредитни қайтарганда ва микрокредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда, қайтарилган суммага мутаносиб (пропорционал) равишида гаров депозити ёки Компания кафиллиги таъминот таркибидан озод этилади.

1-§. Микрокредитларни гаров депозити хисобидан қоплаш тартиби

36. Микрокредит бўйича таваккалчилик қарздорлик тўлиқ сўндирилгунга қадар туман (шаҳар) тоифасидан келиб чиқиб 3-иловада кўрсатилган миқдорда Компания ва микрокредит берувчи ўртасида тақсимлаб борилади.

37. Қайта молиялаштирилган микрокредитлар бўйича асосий қарздорлик қарз олувчи томонидан тўлов графигига мувофиқ қисман ёки тўлиқ миқдорда

қайтарилимаган кундан бошлаб, ушбу қарздорлик сўндирилимагунча микрокредит берувчи томонидан Компанияга, ўз навбатида Компания томонидан Иктисодиёт ва молия вазирлигига қайтарилимайди, бундан ҳисобланган фоизлар мустасно.

38. Микрокредит берувчилар қарз оловчи томонидан микрокредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан бошлаб асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни ундириш, жумладан, қарз оловчининг ҳисобварагидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб қўйиш чорасини қўриши лозим.

39. Микрокредит шартномасида белгиланган муддатларда қарздорликлар қайтарилимаган тақдирда микрокредит берувчи ушбу қарздорликларни қарз оловчи ҳамда гаров депозити ҳисобидан солидар тартибда ундириш юзасидан судга даъво ариза киритади.

40. Судга даъво аризаси киритилиши учун 7 - иловада келтирилган шаклга мувофиқ Компания ва микрокредит берувчи ўртасида мажбуриятлар қолдигини тасдиқловчи солиштирма далолатнома асос ҳисобланади. Солиштирма далолатномага қуидаги хужжатлар илова қилинади:

қарз оловчи ва микрокредит берувчи ўртасида тузилган кредит шартномаси ва тўлов жадвали;

қарз оловчининг асосий ва ссуда ҳисобвараги айланмаси;

қарз оловчиidan қарзни ундириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот;

кредитдан мақсадли фойдаланилганлиги юзасидан қарз оловчи ва микрокредит берувчи ўртасида тузилган далолатнома.

41. Гаров депозити ҳисобидан ундириш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиққандан сўнг микрокредит берувчи ундирувни гаров депозитига қаратади ва бу ҳақида 3 (уч) банк иш куни ичида суднинг ҳал қилув қарорини илова қилган ҳолда Компанияга ёзма хабар беради.

42. Қайта молиялаштириш шартномаси бўйича фоиз ҳисоблаш Компанияга нисбатан гаров депозити ҳисобидан ундириш тўғрисида қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан бошлаб тўхтатилади.

43. Гаров депозити ҳисобидан ундириш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан санадан қайта молиялаштирилган ресурс қолдигининг гаров депозитига йўналтирилмаган қисми ва унга ҳисобланган фоизларни 5 (беш) банк иш кунида микрокредит берувчи томонидан Компанияга қайтарилади.

44. Қайта молиялаштириш шартномаси бўйича микрокредит берувчи томонидан Компанияга қайтарилимаган маблағларни Иктисодиёт ва молия вазирлиги ҳисобидан чиқариш ва ажратилган бюджет ссудаси бўйича фоиз ва неустойкалар ҳисобланишини тўхтатиш учун суднинг тегишли ҳал қилув қарори асос бўлади.

45. Ундирув гаров депозитига қаратилгандан сўнг микрокредит берувчилар қайта молиялаштирилган микрокредит бўйича қопланмаган қарздорликни ундириш бўйича ишларни давом эттириши лозим.

Ундирилган маблағлар ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб белгиланган таваккалчилик тақсимотида кўрсатилган миқдорда Компания ва микрокредит берувчи ўртасида тақсимланади.

46. Компания томонидан ундирилган маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан тузиладиган ссуда шартномасига мувофиқ қайтарилади.

2-§. Муаммога айланган микрокредитларни портфель кафиллиги хисобидан қоплаш тартиби

47. Қарз олувчи микрокредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (лозим даражада бажармагандан) бошлаб микрокредит берувчи 90 календарь куни мобайнида қарз олувчидан микрокредит бўйича асосий қарзниңг қайтарилимаган қисмини ундириш, жумладан, қарз олувчининг ҳисобварағидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб кўйиш чорасини кўради.

48. Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлиги 90 кунда қайтарилимаган тақдирда микрокредит берувчи Компанияга қуидаги хужжатларни илова қилинган ҳолда ваколатли шахс томонидан имзоланган талабномани юборади:

- микрокредит шартномаси нусхаси;
- микрокредит мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида далолатнома;
- қарз олувчининг бажарилмаган мажбуриятлари бўйича Компаниянинг жавобгарлик миқдори ҳисоб-китоби;
- қарз олувчининг асосий ва ссуда ҳисобварағи айланмаси;
- талабномани имзолаган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси;
- қарз олувчидан қарзни ундириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот.

49. Тақдим этилган талабнома ва унга илова қилинган хужжатлар 10 (үн) банк иш куни ичида Компания томонидан кўриб чиқилади ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда мажбурият суммаси микрокредит берувчига талабномада кўрсатилган реквизит бўйича ўтказиб берилади.

50. Портфель кафиллигидан фойдаланишда белгиланган тартибларга риоя қилинмаган тақдирда талабнома микрокредит берувчига тегишли тузатишларни киритиш учун қайтарилади.

51. Кафиллик бўйича тўловлар тўлангандан сўнг Компания қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан, шу жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қопланишини регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

52. Компания талабномани қуидаги ҳолатларда рад этишга ҳақли:

Компаниянинг ёзма рухсатисиз микрокредит шартномаси бўйича мажбуриятларда шахслар алмаштирилганда;

микрокредит белгиланган мақсадларда фойдаланилмаганлиги аниқланганда.

5-боб. Якунловчи қоидалар

53. Микрокредит берувчилар томонидан тақдим этилган барча маълумотлар ва унда кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги учун микрокредит берувчи жавобгар ҳисобланади.

54. Компанияга (буюртмага) нотўғри ва/ёки ёлғон маълумотларнинг тақдим қилинганда, ушбу маълумотлар асосида молиявий ёрдам олиниши оқибатида қарз

олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Компания жавобгар ҳисобланмайди.

55. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

56. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан суд тартибida ҳал этилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни
қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель
кафиллигини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
Низомга 1-илова

**Компания томонидан қайта молиялаштирилмайдиган ва
портфель кафиллиги тақдим этилмайдиган йўналишлар:**

қиморхона ва биллиардхоналар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
1-, 2- ва 3-тоифадаги худудларда савдо ва умумий овкатланиш фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар учун айланма
маблағларни тўлдириш;
илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
ёрдам кўрсатилаётган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган енгил автотранспорт воситаларини
харид қилиш;
қайта молиялаштириладиган ёки портфель кафиллиги тақдим этиладиган лойиҳа бўйича кафиллик ва компенсация
шартномалари мавжуд бўлган ёки илгари мазкур ёрдамлардан мақсадсиз фойдаланган бўлса;

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни
қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель
кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги
Низомга 2-илова

Микрокредитларни қайта молиялаштириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Қарз олувчи	Микрокредит олиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи микрокредит берувчининг ҳудудий бўлинмасига ариза билан мурожаат қиласди.	Заруратга кўра
2-босқич	Микрокредит берувчиларни ҳудудий бўлинмалари	Микрокредит ажратиш ёки рад этиши бўйича қарор қабул қиласди, шу жумладан тадбиркорнинг мувофиқлик мезонига ўрганади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда унга микрокредит ажратади. Ажратилган микрокредит бўйича жамланма рўйхат ахборот тизимида шакллантириласди.	Микрокредит берувчининг ички меъёрий хужжатларида белгиланган муддатда
3-босқич	Микрокредит берувчи	Ахборот тизимида шакллантирилган рўйхатни кўриб чиқади ва жамлайди. Ажратилган микрокредитни қайта молиялаштириш учун жамланма рўйхатни шакллантиради. Мувофиқлик мезонларига мос келувчи микрокредитлар жамланма рўйхатини қайта молиялаштириш учун Компанияга буюртма тақдим этади.	Заруратга кўра
4-босқич	Компания	Микрокредит берувчи томонидан тақдим этилган буюртма бўйича микрокредит портфелини ўрганиб чиқади ва қарор қабул қиласди. Қайта молиялаштириш рад этилган микрокредитлар бўйича Микрокредит берувчини ёзма тарзда хабардор қиласди.	3 иш куни
5-босқич	Микрокредит берувчи ва Компания	Ижобий қарор қабул қилинган микрокредитлар бўйича микрокредит берувчи билан Компания ўртасида қайта молиялаштириш ва депозит гарови шартномасини имзолайди.	3 иш куни
6-босқич	Компания	Имзоланган қайта молиялаштириш шартномасига асосан микрокредит берувчига микрокредитларни қайта молиялаштириб беради.	2 иш куни
7-босқич	Микрокредит берувчи	Компания томонидан ўтказиб берилган маблағларнинг бир қисми ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб гаров сифатида расмийлаштириласди.	Микрокредит берувчининг ички меъёрий хужжатларида белгиланган муддатда

*Ушибу схемага иши жараёнини соддалаштириши ёки тақомиллаштирилишидан келиб чиқиб Компания томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритиб борилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни
қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель
кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги
Низомга З-илова

100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштириш ва таваккалчиликни тақсимлаш шартлари

Туман (шаҳар) тоифаси	Микрокредит таваккалчилигини тақсимлаш		Компания (ресурс) маблағларининг фоиз ставкаси
	Компания	Микрокредит берувчилар	
5-тоифа	80 фоиз	20 фоиз	12,5 фоиз
4-тоифа	60 фоиз	40 фоиз	13,5 фоиз
3-тоифа	40 фоиз	60 фоиз	14,5 фоиз
2-тоифа	20 фоиз	80 фоиз	17 фоиз
1-тоифа			18 фоиз

Изox: “Kichik biznesni rivojlantirish jamg‘armasi” tomonidan tijorat banklariga ilgari joylashtirilgan resurs mablag‘lari tasdiqlangan grafiklar asosida so‘ndirilganidan so‘ng Kompaniya tomonidan qayta moliyalashirishga yo‘naltiriladi.

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни
қайта молиялаштириш ёки улар бўйича портфель
кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги
Низомга 4-илова

ПҚ-312-сон қарорга асосан қайта молиялаштириладиган микрокредитлар бўйича реестр

		№
1	Анкета раками (ГРКИ заявка)	
2	Карздор номи	
3	СТИР/ИНФЛ	
	Худуди	
	Карздор тури (личик, ўрта)	
	Рўйхатдан ўтган туман	
	Фаолият юритадиган тумани	
	ПФ-287 бўйича тоифаси	
	Асосий ссуда хисобраками (20 талик)	
	Кредит валюгаси	
	Кредит шартномаси санаси	
	Ҳакикатда кредит ажратилган сана	
	Кредитни кайтарини охириги санаси	
	Кредит шартномаси суммаси	
	Ҳакикатда ажратилган кредит микдори	
	Кредит асосий қисмининг жами колдиги	
	Фоиз устамаси ставкаси (ишилик)	
	Кредит муддати	
	Имтиёзи даври	
	Кредит максади (мўјлик)	
	Кўшимча маълумотлар	
	Кўшимча маълумотлар	
	Кўшимча маълумотлар	
	Таъминот микдори (94502,94503)	
	Кредит сифати таснифи (1,2,3,4,5)	
	Тизкорат банки	
	Филиали (МФО)	
	Жами	
1		
2		
3		

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни
қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель
кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги
Низомга 5-илова

Портфель кафиллигини тақдим этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Қарз олувчи	Микрокредит олиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи микрокредит берувчининг худудий бўлинмалари ариза топширади.	Заруратга кўра
2-босқич	Микрокредит берувчиларнинг худудий бўлинмалари	Микрокредит ажратиш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қиласди, шу жумладан тадбиркорнинг мувофиқлик мезонига мослигини ўрганади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда портфель кафиллигидан фойдаланиш юзасидан буюртмани микрокредит берувчига юборади.	Микрокредит берувчининг ички меъёрий хужжатида белгиланган муддатда
3-босқич	Микрокредит берувчи	Банкнинг худудий бўлинмаси томонидан юборилган буюртмани белгиланган талаб ва шартлардан келиб чиқиб ўрганади ва ижобий қарор қабул қилган тақдирда ахборот тизимида кафиллик шартномаси автоматик тарзда шаклланади.	Заруратга кўра
4-босқич	Микрокредит берувчининг худудий бўлинмаси Қарз олувчи Компания	Портфель кафиллиги учун воситачилик тўлови тўланади ва кафиллик шартномаси уч томонлама имзоланади.	Кафиллик шартномасида белгиланган муддатларда
5-босқич	Микрокредит берувчининг худудий бўлинмаси	Микрокредитни ажратади.	Микрокредит шартномасида белгиланган муддатларда

*Уишибу схемага иши жараёнини соддалаштириши ёки тақомиллаштирилишидан келиб чиқиб Компания томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритиб борилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан
микрокредитларни қайта молиялаштириш
ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим
етиш тартиби тўғрисидаги
Низомга б-илова

100 миллион сўмгача гаровсиз ажратилган микрокредитлар бўйича кафиллик тақдим этиш ва таваккалчиликни тақсимлаш шартлари

Туман (шаҳар) тоифаси	Микрокредит таваккалчилигини тақсимлаш		Воситачилик ҳақи
	Компания	Микрокредит берувчилар	
5-тоифа	80 фоиз	20 фоиз	
4-тоифа	60 фоиз	40 фоиз	
3-тоифа			“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” Кредит бюросининг рейтингидан келиб чиқиб Компаниянинг тарифларида белгиланган миқдорда
2-тоифа	50 фоиз	50 фоиз	
1-тоифа			

“Тадбиркорликни ривожлантириши компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микрокредитларни қайта молиялаштириши ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим этиши тартиби тўғрисидаги низом

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан
микрокредитларни қайта молиялаштириши
ёки улар бўйича портфель кафиллигини тақдим
етиш тартиби тўғрисидаги
Низомга 7-илова

**Компания ва микрокредит берувчи ўртасида ___.____ йил ҳолатига мажбуриятлар қолдигини
тасдиқловчи солиштирма далолатнома**

Т/р	Давр	Ҳисобланган ресурс, фоиз, неустойка ва бошқалар				Тўланган ресурс, фоиз, неустойка ва бошқалар*				Тўланадиган ресурс, фоиз, неустойка ва бошқалар			
		Жами	Асосий қарз	Фоиз	Неустойка ва бошқалар	Жами	Асосий қарз	Фоиз	Неустойка ва бошқалар	Жами	Асосий қарз	Фоиз	Неустойка ва бошқалар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	(3-7)	(4-8)	(5-9)	(6-10)
	Жами												
1													
2													

*Уибуб жадвал Компания ва микрокредит берувчи талабидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин.